Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI — ХДП

• 2011-yil, 19-fevral. Shanba • 22 (31.298) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 февраль куни Оқсаройда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Палата раиси К.Лэмм хоним Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини самарали бошқариладиган бозор иқтисодиётига изчиллик билан ўтказишни таъминлагани учун фахрий мукофотни тақдим этганини таъкидлади. Унинг қайд этишича, таркибига «Боинг», «Хоневелл», «Женерал электрик», «Эксон мобил», «Женерал моторз», «Сикорски эйркрафт», «Зеппелин интернэшнл», «Нобель» каби жаҳоннинг етакчи йирик компаниялари кирадиган Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг ушбу мукофотни тақдим этиш борасидаги қарори Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган, дунёда ривожланишнинг «ўзбек модели» деб ном қозонган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш концепциясининг халқаро эътирофидир.

Учрашувда иштирок этган АҚШнинг етакчи «Боинг» ва «Хоневелл» корпорациялари раҳбарлари Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг беш тамойилга асосланган иқтисодий янгиланишларнинг «ўзбек модели» саросима ва бўҳронларсиз макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, туб тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш ва Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш учун шарт-шароит яратиш имконини берганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримовнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси, Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва ўзининг ҳар томонлама пухта ва юксак самарадор эканини амалда исбот этган Инқирозга қарши чоралар дастури концепцияси ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда макроиқтисодий ва тузилмавий ўзгаришларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, нафақат ривожланаётган, балки ривожланган мамлакатлар учун ҳам яхши асос ва ўрнакдир.

Ўзбекистон фаол сармоявий сиёсат юритиш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш туфайли қисқа вақт ичида хомашёга таянган иқтисодиётдан саноат ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга асосланган, диверсификацияланган иқтисодиётга ўтишни таъминлади.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон Республикасини МДҲнинг иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган мамлакатлари, дунёдаги иқтисодиёти энг тез ривожланаётган беш давлат қаторига киритди.

Чуқур ўйланган, аниқ мақсадларга йўналтирилган, узоқ муддатга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури концепцияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу дастурнинг самарали амалга оширилиши макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни сақлаш, иқтисодиётнинг реал секторини изчил ривожлантириш, шунингдек, истиқболда янада юксак суръатларда мустаҳкам иқтисодий ўсиш учун пухта замин яратиш имконини берди. Шу туфайли АҚШнинг «Женерал моторз», «Тексако», «Чартис» каби қатор компаниялари Ўзбекистонда йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Юқори технологиялар соҳасининг етакчилари деб эътироф этилган «Хоневелл», «Сикорски эйркрафт», «Эксон мобил», «Женерал электрик» сингари компаниялар Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш жараёнини бошламоқда.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси вакиллари Ўзбекистоннинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, айниқса, ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори суръати, бюджетдаги профицитнинг барқарорлиги, тўлов ва савдо баланси, олтин-валюта захиралари барқарор ўсаётганини ва давлат қарзи паст даражада эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур Палата икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим роль ўйнашига ишонч билдирди.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси делегацияси аъзолари самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида иқтисодиёт ва сармоя соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиётига АҚШнинг илғор технологиялари ва сармоясини жалб қилишдан икки томон ҳам манфаатдор эканлиги ҳамда стратегик шериклик муносабатлари асосида бундай ҳамкорлик учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар давом эттирилиши алоҳида қайд этилди.

**(ЎзА)**

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



## Ислоҳотларнинг янги босқичи

### уни амалга оширишда аҳолининг фаоллиги зарур

Паркент тумани ахборот-ресурс марказида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар ҳамда йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги Президентимиз маърузасини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, аҳоли вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев Концепцияда таклиф этилган қатор қонунчилик ташаббуслари, уларнинг давлат ва жамият бошқарувини янада либераллаштиришдаги аҳамияти, мазкур ҳужжат асосида қуйи палатада қилинаётган ишлар, хусусан, партиямиз фракцияси томонидан қабул қилинган қонун ижодкорлиги дастури, унинг асосий мақсад ва йўналишлари тўғрисида атрофлича маълумот берди.

— Концепцияда таклиф этилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда ғоят муҳим, — дея таъкидлади у. — Шу боис мазкур жараёнда депутатлар билан бирга, партиямизнинг ҳар бир фаоли муносиб иштирок этиши керак. Маълумки, партиямизнинг маҳаллий кенгашларида Концепцияни ўрганиш мақсадида ташкил этилаётган тадбирларда шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бундай тадбирларни бевосита аҳоли орасида ўтказиш, яъни кўзда тутилган қонунчилик ташаббусларини амалга оширишнинг зарурати ҳақида ҳар бир фуқарода етарли тушунчани шакллантириш долзарб вазифадир.

⇨ 2




*Расмий*

**Сиёсий маслаҳатлашувлар** ⇨ 2

*Халқ ризқига хиёнат*

**Ҳалоллик ва тартиб бор жойда барака бўлади** ⇨ 3

*XXI аср — интеллектуал бойлик асри*

**Замонавий математика эраси Ўзбекистондан бошланади** ⇨ 4

## Нохолис ёндашув ҳамон давом этмоқда

«Адолат» газетасининг шу йил 11 февраль сонида «Қоғозда бажарилаётган ишлар» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Чортоқ туманида ёшларнинг бандлигини таъминлашда туман ҳокими ва ХДПнинг мутасадди вакиллари қуруқ сўздан амалий ҳаракатга ўтмаётгани ҳақида сўз боради.

Бандлик масаласи долзарб эканини инкор этиб бўлмайди.

Аммо мақола муаллифи ҳар масаладан бир чимдимдан гапириши, Чортоқ туманидаги ҳақиқий аҳволдан ҳам бир чимдим хабардорлигини кўриб, асли мақсади нималигини билиш қийин.Агар бандлик масаласини кўтармоқчи бўлса, тумандаги аҳвол билан чуқурроқ танишиб, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиб, фикр юритиши лозим эди. Лекин у танқид учун танқид ёзганга ўхшайди.

Партиялараро баҳс-мунозаралар матбуотда ифодаланаётгани яхши, албатта. Фақат бу мунозара холислик асосида, халқимизга хос маданият билан чегараланиши керак, албатта.

«Биргина Чортоқ туман ҳокимлигининг ташкилий назорат бўлимидан олинган маълумотга кўра, ўтган 2010 йил давомида халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида аҳолини, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи борйўғи бир маротаба кўриб чиқилган, холос», дейилади «Адолат»даги мақолада.

Савол туғилади: бир масала халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида бир йилнинг ичида неча марта кўриб чиқилиши керак?

⇨ 2

### Эътироф

*«Ўзбекистонга бундан 15 йил муқаддам келган эдим. Ўтган вақт ичида юртингизда рўй берган буюк ўзгаришларни таърифлашга тил ожиз. Тошкент бутунлай ўзгача қиёфа касб этибди. Муҳташам бинолар, улкан спорт иншоотлари қад ростлабди, кўплаб замонавий таълим масканлари барпо этилибди, тарихий обидалар таъмирланибди. Ҳар қадамда дам олиш масканлари, ресторан ва қаҳвахоналар, супермаркет ва дўконлар кўзни қувонтиради. Кўрсатилаётган юқори сифатли хизмат ҳар қандай сайёҳга манзур бўлиши шубҳасиз. Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу сайёҳларни жалб этувчи энг муҳим омиллардандир».*

**Аделинд ГЕРБЕР хоним, (Германия)**

### Янгиликлар

## Лизинг тизими бўйича

21-23 апрель кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон лизинг берувчилари ассоциацияси ҳамда SAIPRO ахборот агентлиги ҳамкорлигида Тошкент халқаро лизинг форуми ўтказилади.

Форум ишида миллий ва хорижий лизинг, суғурта ва аудиторлик компаниялари, банклар, турли хил техника ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи ҳамда лизинг компанияларига етказиб берувчи корхоналар, шунингдек, лизинг хизматлари соҳаси, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, молия бозорларини хорижий тартибга солувчилар, миллий ва халқаро ассоциациялар ва турли молия ташкилотларининг раҳбарлари қатнашади.

## Брюссель сайёҳлик ярмаркасида

Белгияда ҳар йили ўтказиб келинадиган нуфузли халқаро сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистон Республикасининг Белгиядаги элчихонаси ва ушбу давлатнинг машҳур сайёҳлик компанияларидан бири «Hobo Reisen» кўмагида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти ўтказилди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу йилги ярмаркада Ўзбекистонга саёҳат қилиш истагида бўлган европаликларга сайёҳлик йўлланмасини таклиф этувчи Бенилюкс мамлакатлари компанияларининг сони анча ортди. Ярмаркага келганларнинг умумий сони 120 мингдан ошди.

Сайёҳларга Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, тоғли ва чўл ҳудудлари бўйлаб бир-икки ҳафталик сафарлар таклиф этилди.

Ярмаркага ташриф буюрганлар иштирокчи мамлакатларнинг миллий куй-қўшиқ ва рақслари ҳамда халқ амалий санъати усталари томонидан яратилган юксак санъат намуналари билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1667,67 | 1 Миср фунти | 282,58 | 1 СДР | 2580,96 | 10 Жанубий Корея вони | 14,78 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2667,25 | 1 Канада доллари | 1684,79 | 1 Туркия лираси | 1046,11 | 10 Япония иенаси | 199,58 |
| 1 БАА дирҳами | 452,17 | 1 Хитой юани | 251,83 | 1 Швейцария франки | 1708,36 | 1 Россия рубли | 56,64 |
| 1 АҚШ доллари | 1660,70 | 1 Малайзия ринггити | 544,22 | 1 Евро | 2263,07 | 1 Украина гривнаси | 209,05 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O‘zbekiston havo yo‘llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# Сиёсий маслаҳатлашувлар

**Тошкентда 17 февраль куни Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг иккинчи даври бўлиб ўтди.**

Ҳукумат идораларининг етакчи экспертлари, йирик корпорациялар раҳбарларидан иборат АҚШ делегациясига Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси Р.Блейк раҳбарлик қилди.

Маслаҳатлашувларда сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, томонлар ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан фикр алмашдилар.

Сиёсий маслаҳатлашувларнинг 2009 йили декабрь ойида Вашингтонда бўлиб ўтган биринчи даврасидан кейин Ўзбекистон — АҚШ муносабатларида ижобий тенденциялар юзага келгани мамнуният билан таъкидланди.

Давлат котиби Ҳ.Клинтон ҳамда АҚШ маъмуриятидаги бошқа юқори мартабали расмий кишиларнинг Ўзбекистонга ташрифлари кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш борасидаги комплекс ва узоқ муддатли жараёнга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

АҚШ вакиллари Ўзбекистоннинг қудратли иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига, ривожланган инфратузилмаси ва транспорт коммуникацияларига, барқарор банк-молия тизими ва юқори малакали кадрларга асосланган иқтисодий ўсишнинг жадал суръатлари ва тузилмавий ўзгаришларнинг боришига юксак баҳо бердилар. Айнан шу жиҳатлар АҚШ учун Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

АҚШ томони Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган парламент ваколатларини кенгайтиришга, судлар мустақиллигини мустаҳкамлашга, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотларнинг ролини оширишга қаратилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш Концепциясига юксак баҳо берди. АҚШ Концепциянинг асосий йўналишларини амалга оширишда ёрдам беришга тайёр экани таъкидланди.

Минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокамаси чоғида Р.Блейк Афғонистонга электр энергияси етказиб бераётгани, Кобул шаҳрини кеча-кундуз узлуксиз энергия билан таъминлаётгани, шунингдек, ушбу мамлакатдаги Мозори Шариф шаҳригача бўлган илк афғон темир йўлини жадаллик билан қуриб битказгани учун Ўзбекистон Республикасига Америка Қўшма Штатлари номидан миннатдорлик изҳор этди. Буларнинг барчаси Афғонистонни иқтисодий тиклашнинг муҳим омилларидир.

Томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари юзасидан иқтисодий ҳамкорликнинг кенг кўламли йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашдилар. Хусусан, юқори технологияли, жумладан, энергетика ва энергия тежаш соҳаларидаги, авиация, кимё ва нефть-газ саноатидаги сармоявий лойиҳалар учун АҚШ инвестицияларини жалб қилишда ҳамкорликни, молиявий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

АҚШ томони Ўзбекистон юксак салоҳиятга эга эканини қайд этиб, мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада ривожлантиришда Ўзбекистон иқтисодиётига Америка сармоясини киритишни рағбатлантириш АҚШ ҳукумати учун устувор йўналишлардан бирига айланишини таъкидлади.

Томонлар юқори технологияли соҳалардаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этди. Бу борада нефть кимёси, кимё, электротехника, машинасозлик, фармацевтика саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳалар устувор йўналишлар экани таъкидланди.

Айни пайтда «Женерал моторз», «Тексако», «Чартис» ва АҚШнинг қатор бошқа компаниялари Ўзбекистонда йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширгани қайд этилди.

Энергетика соҳасида ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш чоғида Р.Блейк АҚШ Президенти Б.Обама учун муқобил энергия манбаларини ривожлантириш устувор масалалардан бири эканини таъкидлади. Шу муносабат билан АҚШ томони анъанавий энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, шунингдек, тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш соҳасида ҳамкорликдан манфаатдор эканини билдирди.

18 февраль куни ўтказилган Ўзбекистон — АҚШ бизнес-форумида АҚШнинг етакчи юқори технологияли компаниялари — «Хоневелл», «Боинг», «Эксон мобил», «Зеппелин интернэшнл», «Катерпиллер», «Ньюкем» билан мамлакатимиз иқтисодиётининг нефть-газ, кимё, нефть кимёси, машинасозлик, электротехника саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби жадал ривожланаётган соҳаларига АҚШнинг илғор технологиялари ва инвестицияларини жалб қилишга қаратилган қатор келишувларга эришилди.

Маслаҳатлашувлар якунида томонлар 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қоидалари ва принципларига, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда, хавфсизлик масалалари ҳамда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик тамойилларига содиқ эканликларини таъкидладилар.

**(ЎзА)**



# Ислоҳотларнинг янги босқичи

*уни амалга оширишда аҳолининг фаоллиги зарур*

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

— Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришда ўзига хос аҳамият касб этади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саидвали Аҳмедов. — Қонунчилигимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имконият яратилмоқда. Аммо ўз ишини бошламоқчи бўлган аҳоли вакиллари, хусусан, ёшлар бу ҳақда етарли тушунчага эга эмас. Бундан ташқари, айрим жойларда тегишли қонунлар ижроси талаб даражасида деб бўлмайди. Шундай экан, жамоатчилик орасида кичик бизнес субъектларига яратилаётган қулайликлар, бу борада маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда банк муассасалари зиммасига юклатилган мажбуриятлар ҳақида батафсил тушунтириш ишлари олиб бориш зарур. Шунингдек, ўз ишини ташкил этмоқчи бўлган ёшларда қонуний имкониятлардан фойдалана олиш кўникмасини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш керак. Бунда аҳоли ва маҳаллий депутатлар ҳамкорлиги яхши самара беради.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, шунингдек, ёшларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг самарали усуллари ҳамда тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, бу борада тегишли ташкилотларнинг масъулияти ҳақида фикр билдиришди.

**Тадбир давомида депутатлар қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.**

— Президентимиз таклиф қилган Концепцияни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар чуқур ўрганиши керак, — деди туман ахборот-ресурс маркази раҳбари Муҳайё Аҳмедова. — Бундан кейин марказимизда мамлакатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид адабиётларни янада кўпайтиришга ҳамда ташкил этадиган тадбирларимизга депутатлар, мутахассислар ҳамда ёшларни кенгроқ жалб этишга ҳаракат қиламиз.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎзХДП ҳаёти

**Қашқадарё вилоят партия кенгаши** Ахборот-ресурс марказида ўтказилган тадбир «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга оширишда партия ташкилотларининг ўрни» мавзусига бағишланди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Маълумки, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, иш берувчи ва ходим ўртасидаги шартномаларни қонуний талаблар асосида тузилиши каби масалаларни назорат қилишда депутатлар фаоллиги алоҳида ўрин тутади. Шу маънода, уларнинг ва партия етакчиларининг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

✧✧✧

**Миробод туман партия кенгаши ташаббуси билан** «Вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари ва ёшлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар шу йўнилишда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритишди.

— Гиёҳвандлик киши ҳаётини емиради, — деди туман партия кенгаши маслаҳатчиси Баҳодир Тўраев. — Афсуски, бу иллатга дучор бўлаётган ёшларимиз йўқ эмас. Биз партия фаоллари ҳам уларни бундай салбий одатлардан асраш, ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ишларига дахлдормиз. Бу борада, биринчи навбатда, уларнинг меҳнат билан бандлиги, касб-ҳунар ўрганиб, фойдали иш билан шуғулланиши ниҳоятда муҳим. Мақсадсиз, маънавияти, тафаккури ривож топмаган инсон жиноят кўчасига киради. Қолаверса, оиласи, яқинларидан меҳр-эътибор кўрмаган ёшлар ҳам шу йўлни танлаши мумкин. Шунинг учун фарзандлар қизиқишини инобатга олган ҳолда уларни касб-ҳунарга, меҳнатга йўналтиришимиз лозим.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан ёшлар ҳам мавзу юзасидан фикр юритишди. Тадбир сўнгида йигит-қизлар саволларига мутахассислардан жавоб олишди.



✧✧✧

**Ҳамза туман партия кенгаши** ташаббуси билан «Амир Темур» номли маҳалла фуқаролар йиғинида «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда партия ташкилотлари иштирокини кучайтириш» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда бошланғич ташкилотлар фаоллари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари аъзолари, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар Президентимиз илгари сурган Концепция асосида ҳар бир бошланғич ташкилот, туман партия кенгаши ўз фаолиятини қайта ташкил этиши, партиявий фаолиятда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиши зарурлиги ҳақида сўз юритишди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА**

# Нохолис ёндашув ҳамон давом этмоқда

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Қолаверса, 47-Чортоқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Холиқова туманда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан махсус йиғилиш ўтказиб, худди шу — бандлик муаммоси ва унда айнан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича қатор режалар белгилаган. Депутатнинг ташаббуси билан ЎзХДП вилоят кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи масала бўйича мониторингни йўлга қўйган. Бу ҳаракат узлуксиз давом эттирилмоқда.

Туман ҳокимлигидан олинган маълумотга кўра, 2010 йилда туманда жами 4253 та янги иш ўрни яратилган. Соҳалар бўйича қарайдиган бўлсак, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳисобига 115 та, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни ошириш ҳисобига 1471 та, кичик бизнес ва микрофирмалар, жумладан, саноат корхоналари ташкил қилиш ҳисобига 198 та, қурилиш ва пудрат ташкилотлари ҳисобига 150 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 417 та, уй меҳнатининг барча шакллари ҳамда касаначилик ҳисобига 1806 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига (паррандачилик, балиқчилик, иссиқхона ва бошқалар) 170 та иш ўрни яратишга эришилган.

Яратилган иш ўринлари фермерлар ҳисобига мақолада қайд этилганидек 80 фоиз эмас, балки қарийб 4 фоизга тўғри келмоқда.

Юқорида қайд этилган ишларда «Адолат» СДПнинг қандай ҳиссаси бор? ЎзХДП ва туман ҳокимини амалда эмас, қоғозда янги иш ўрни яратаётганликда асоссиз айблаётган «Адолат»нинг ўзи бу борада нимани қойил қилган? Ёки социал партия бўла туриб янги иш ўринлари яратилишига ўзини дахли йўқ, деб ҳисоблайдими?

2009 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга депуталик сайловларида қайси партия ўзининг аниқ мақсадли сайловолди дастурлари билан сайловчилар орасида фаол ишлаган бўлса, сайловчилар ишончини қозониб, сиёсий синовдан ўтгани бор гап. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлардан туман Кенгаши депутатлигига 17 нафар, туман ҳудудидан вилоят Кенгашига 2 нафар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 1 нафар депутат сайланган.

Бу ўринда яна бир жиҳатга эътибор берайлик. Ўтган сайловда туман Кенгаши депутатлиги учун ЎзХДПдан 30 нафар, ЎзМТДПдан 30 нафар, ЎзЛиДеПдан 28 нафар номзод кўрсатилган. «Адолат» СДПдан эса 30 депутат ўрни учун зўрға 12 нафар номзод кўрсатилган, холос. Бу «Адолат» СДПнинг салоҳияти, сиёсий партия сифатида қанчалик даражада шаклланганидан далолат эмасми?

Қолаверса, туман Кенгашига сиёсий партиялардан сайланган 30 нафар депутатнинг ҳар бири сайлов округларида қандай ишларни амалга оширишлари, хусусан, янги иш ўринлари яратиш бўйича аниқ дастурга эга. Бу дастурларнинг бажарилиши туман Кенгаши томонидан мониторинг қилиб борилмоқда. 2010 йил давомида туман Кенгаши депутатларининг бевосита ташаббуси билан жами 237 та янги иш ўрни яратилган.

Туманда 2009-2010 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини 3141 нафар йигит-қиз битиргани тўғри. Аммо уларнинг 2856 нафари ўтган йилиёқ ўз ихтисослиги бўйича ишга жойлашган. Қолган 285 нафар талабанинг 98 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирган, 8 нафари яшаш жойини ўзгартирган, қолган 184 нафари эса (қизлар турмушга чиқиб) фарзанд кўргани учун бола тарбияси билан банд.

Туман Кенгашининг учинчи сессиясида (2010 йил 13 октябрь) **«Туманда 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурлари лойиҳаларининг муҳокамаси тўғрисида»**ги масала кўриб чиқилган.

Ҳудди шу сессияда иккинчи масала сифатида **«Инқирозга қарши чоралар: 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурнинг тумандаги ижроси тўғрисида»** ҳамда тўртинчи сессия (2010 йил 30 декабрь)да **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 246-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида туманда амалга оширилган ишларнинг натижалилиги тўғрисида»**ги масала атрофлича кўриб чиқилган. Биргина тўртинчи сессия йиғилишидаги муҳокамада 16 киши сўзга чиққан. Уларнинг 7 нафари ХДПдан сайланган депутатлар. Сессия ҳужжатларида масала юзасидан ЎзХДП туман кенгаши раиси Ж.Қодировнинг ҳам сўзга чиққани ва кун тартибидаги масала бўйича аниқ таклиф-мулоҳазалар билдиргани қайд этилган. Шунингдек, мазкур сессияда туман Кенгаши раиси, туман ҳокими Алишер Бойханов бир йиллик фаолияти юзасидан ҳисобот берган.

Бу маълумотларни бирма-бир келтиришдан мақсад шуки, агар «Адолат» газетаси мухбири масалага холис ёндашиб, туман ҳокимлигига, ХДП туман кенгашига, борингки, ўз партиясининг туман кенгашига мурожаат этганида аниқ маълумотлар олар, мавзуни чуқурроқ ўрганган бўларди.

Ўтган йили туман ҳокимлиги мутасадди ташкилотлар билан хамкорликда 6 марта меҳнат ярмаркаси ўтказган. Унда 755 нафар, шундан 475 нафари ёшлар, (382 нафар аёллар, 319 нафари коллеж битирувчилари) иш ўринлари билан таъминланган.

Ёшларни, умуман, туман аҳолисини иш билан таъминлаш масаласи ҳафтанинг ҳар душанба куни ҳокимликда бўладиган йиғилишда устувор вазифа сифатида атрофлича кўриб чиқилади. Мутасаддиларга аниқ топшириқлар бериб борилади.

Туманда ўтган 2010 йилда аҳолига хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни, хусусан, саноатни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Жумладан, «Чортоқ» санаторийси ҳудудида «Чортоқ шифобахш сувлари» масъулияти чекланган жамият томонидан минерал сув қуйиш линияси, Ойқирон қишлоғида «Ихлос Чортоқ жавоҳири» масъулияти чекланган жамият томонидан қолипли нон ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш линиялари, Раҳимжон Умаров номли ҳамда «Ойқирон Марҳабат текстил» хусусий корхоналари томонидан ипак матолар ишлаб чиқариш цехи, Мучум қишлоғида «Озодбек Самандар Муҳаммад» хусусий корхонаси томонидан трикотаж матолари ишлаб чиқарувчи корхона, Ҳазратишоҳ қишлоғида «Зиёда Моҳира Комрон тех» хусусий тикувчилик корхоналари каби 10 дан зиёд корхоналар ишга туширилди.

Короскон қишлоғида «Чортоқ техник таъмирлаш ва бутлаш» корхонаси томонидан йилига 6,0 млн. дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга «Короскон ғишт заводи» ишга туширилиб, 80 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Чортоқ шаҳрида Ўзбекистон — Корея «Чортоқ-Дейхан текстил» қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилиб, ишловчилар сони 45 нафардан 75 нафарга етказилди.

Бу каби бунёдкорлик ишларидан бехабар ҳолда режалар қоғозда бажарилаяпти, дейиш адолатданми?.. Афсуски, «Адолат» мухбири билдирган даъволар ҳақиқий ҳолатга мутлақо мос келмайди.

Туманда 2011 йилда барча манбаалар хисобидан 4586 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Шу асосда туман Дастури ишлаб чиқилган ва халқ депутатлари туман Кенгашининг 2010 йил 29 декабрь куни бўлиб ўтган сессиясида тасдиқланган.

Дастурда қаерда, қанча муддатда, қанча иш ўрни ташкил этилиши аниқ кўрсатилган. Туманда саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқа соҳаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, туманда жорий йилда 11 та иссиқхона, 3 та паррандачилик, 4 та балиқчилик, 4 та асаларичилик хўжаликлари ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, бу ишлар амалга оширилиши натижасида 142 та янги иш ўрни яратилади. Чортоқ туманининг қишлоқ хўжалиги узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашгани сабабли 2011 йилда 250 гектар майдонда янги боғлар ташкил этиш, шундан 50 гектар ер майдонида интенсив боғлар яратиш борасидаги интилишларни кўриб, мамнун бўласан, киши. Ахир, мазкур боғлар ташкил этилиши ҳисобига 500 дан зиёд янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Ҳар ҳафтанинг шанба куни туман ҳокимлиги томонидан тадбиркорлар учун «Очик эшиклар куни» деб эълон қилиниб, туман ҳокими, ҳоким ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида тадбиркорларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Хуллас, туманда аҳолини иш билан таъминлаш дастури доимий диққат-эътиборда. Унинг ижросини таъминлашда туман фаоллари, сиёсий партиялардан сайланган депутатлар бирдек фаолият кўрсатмоқда. Буларни кўрмасдан, билмасдан мақола ёзиш, кимларнидир асоссиз айблаш адолатданми?

«Адолат» СДП Чортоқ туман кенгашининг раиси Ҳабиба Мирабдуллаева билан кўришгач, мақола муаллифи нафақат бошқаларни, ҳатто ўз партиядошларини ҳам ноқулай аҳволга солиб қўйганига гувоҳ бўлдик.

— Мухбирнинг туманимиз ҳақида нега бундай ёзганига ҳайронман, — дейди Ҳабиба Мирабдуллаева. — Мақолани ўқиб, рости, ғалати аҳволда қолдим. Чунки, ХДП туман кенгашидагилар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Кўп ишларни, ҳатто тадбирлар ўтказишни ҳам улар билан бамаслаҳат амалга оширамиз. Ўтган йили партиямиз аёллар қанотининг республика миқёсидаги семинари туманимизда ўтказилди. Ўшанда туман ҳокимига ташкилий ишларда ёрдам сўраб мурожаат этдим. Кутганимдан зиёд ёрдам олдим. Бандлик дастурининг ижроси бўйича қанча ишлар қилинди, яна қанча режаларни амалга оширишга ҳаракат қилинаяпти. Туман ҳокими ишончли куч сифатида ХДП туман кенгаши ва унинг кўпсонли депутатлари билан ҳамкорликда ишлаяпти.

ЎзХДП бошқа партиялар ўрганса арзийдиган тажрибага эга. Мухбир С.Абдураҳмоновга шу маънода эътирозим бор. Бу мақола муаллифининг нохолислик билан юритган фикрлари баёни, холос. Мақолани чоп этишда бир томонлама ёндашган «Адолат» газетаси ижодий жамоаси мени ҳайрон қолдирди...».

Қаранг, бошқалар-ку, майли, ҳатто «Адолат» СДП туман кенгаши раҳбари ҳам ҳайронлигини яширмаяпти...

Биз бу партия нашрида нохолис, асоссиз маълумотларни чоп этиш одатий ҳолга айланиб қолаётганига илгари ҳам муносабат билдирганмиз. Афсуски, ҳамкасбларимиз бундан хулоса чиқариш ўрнига, жон-жаҳди билан обрў талашмоқда...

Аслида қайси партия қандайлиги ҳеч кимга сир эмаску! Ўзимизни бошқача кўрсатишга ҳар қанча чиранмайлик, баҳони одамлар беради. Масалан, «Адолат» СДПдан халқ депутатлари туман, вилоят Кенгашларига қанча депутат сайланган?.. Ҳисоблаб, қиёслаб кўрайлик... Шу аҳволда «Адолат» бошқа сиёсий партиялар фаолиятига баҳо бериши, танқид қилиши қай даражада мантиққа тўғри? «Адолат» бошқа партиялар фикрига, ғоясига муносабат билдирса тушуниш мумкин. Аммо агар одамлар назарида обрўимни ошираман деб шу йўлни тутаётган бўлса, қаттиқ янглишади, қуруқ сафсата, ёлғон гап фойда эмас, аксинча, зиён келтиради.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Ўзбекистон — Япония:

# Манфаатлар муштарак

*Қисқача маълумот:*
***ЯПОНИЯ***

*Сиёсий тузуми — парламент-маҳкама шаклига асосланган. Император — давлат ва халқ бирлиги рамзи.*

*Пойтахти — Токио.*

*Дини — синтоизм (айни пайтда буддизмга ҳам риоя қилинади.)*

*Аҳолисининг сони — 127 млн.дан ортиқ.*

*Ҳудуди — 6852 оролдан, 47 та префектура (вилоят)дан иборат.*

*Япония 1991 йил 28 декабрда Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олган.*

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов Япония Бош вазири Наота Каннинг таклифига биноан, расмий ташриф билан кунчиқар давлатда бўлди. Мазкур тарихий воқеа икки давлат алоқалари янада чуқурлашувини ўзида намоён этди.

Хўш, бундай ҳамкорлик, айниқса, иқтисодий алоқалар ривожланишига сабаб бўлган омиллар нимадан иборат?

Биз Осиёнинг бу икки давлати, яъни биринчиси бутун жаҳонга Инсон ҳақиқатдан ҳам яратувчанлик, фидокорлик хислатларига эга эканлигини намойиш эта билган Япония ва унинг халқи, иккинчиси эса дунё ҳамжамиятида «Ўзбек модели» билан муносиб ўрин топган Ўзбекистон ва ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти ва иқтисодиёти ўртасидаги муштарак жиҳатлар хусусида батафсилроқ тўхталишни лозим топдик.



**1. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР**

Япон халқининг турмуш тарзи, дини, руҳиятини ўзимизга муқояса қилсак, улар ҳам азалий удумларини сақлаб қолгани ва яна кўп уйғунликларга эга эканига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, Шарқ мамлакатларида янги йилни баҳор ойларида кутиб олиб, байрам қилишади. Бу анъана Япония ва Ўзбекистон учун бирдек тегишли, япон миллий байрами — «Гуллаётган Сакура» бўлса, «Наврўз» — халқимизнинг азалий айёми ҳисобланади. Иккала халқ учун яна бир ўзига хос одат — катта ёшдаги авлодга ҳурмат, унинг донишмандлигига эҳтиром, шунингдек, оиланинг барча жавобгарлиги ҳам унинг зиммасида. Ўзбек ва япон халқларининг турмуш тарзида яна бир ўхшаш жиҳат — уйга, мачит (храм)га оёқ кийим билан кирилмайди, остонада ечиб қолдирилади. Эрта азонда ҳам руҳан, ҳам жисмонан покланиш мисолида ҳовли-хонадон супуриб-сидирилади.

Япон халқида ҳам ўзбеклар сингари ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат, бир-бирининг қадрига етиш ҳамда ўзгалар учун қайғуриш жуда кучли.

Ҳашар йўли билан маҳалладаги етим-есир ва мискинларга уй-жой қуриб бериш, Шарқнинг маданият ўчоғи ҳисобланмиш мактаб, чойхона ва сартарошхоналар, шунингдек, сув иншоотларини ҳамжиҳатликда битказиш бизлар учун ота мерос фазилат. Бунинг барчаси икки давлатда ҳам шахснинг жамият тақдирига бепарво эмаслиги, жамоа манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйишидан далолат беради.

**2. ҲУНАРМАНДЛАР ЭЪЗОЗДА**

Иккала халқ ҳам анъанавий миллий ҳунармандчилик — қоғоз, шойи мато, айниқса, ёғочдан ясаган гўзал санъат намуналари билан машҳур. Япон усталари шишадан ишлаган нозик буюмлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Ҳар икки халққа хос манзарали санъат турларидан бири — сопол, чинни, темирдан ишланган буюмлардир. Кунчиқар юртнинг ҳар бир вилоятида ўзининг услублари бўйича сопол идишлар ишлаб чиқарилади. Булар орасида машҳурлари эса ўша префектура (вилоят)нинг номи билан аталади. Бизда ҳам шундай: «Чуст» пичоғи ва дўпписи, Бухоро зардўз чопони, Хива гиламлари ва ҳакозо.

Анъанавий керамика санъати ҳамиша эътиборда. Қадим япон усталаридан Хамада Сёдзи, Като Токуро, Аракава Тёрзо, Имодзуми Има Эманлар Япониянинг энг олий нишонларидан бири — «Нингэн Кокухо» (Мўъжизали Инсон) деган шарафли унвонга сазовор бўлишган. Бизда ҳам Уста Олим, Уста Маҳмуд Усмонов, Чингиз Ахмаров, Абдуғани Абдуллаев сингари буюк меъмору усталаримиз чинакам эъзоз топган. Уларнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, «Халқ устаси», «Халқ рассоми» каби фахрий унвонлар берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда лак бўёғи миниатюра мактаби ташкил қилинган бўлса, Японияда ҳам лак буюмларининг анъанавий усуллари, махсус технология билан ишлайдиган лак ишлаб чиқарувчи марказлар мавжуд. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда Япониянинг Комацу шаҳрида яшовчи кулоллар билан риштонлик (Фарғона) ҳамкасбларнинг ўзаро дўстона ва ижодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

**3. ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ**

Табиий маъданларга деярли эга бўлмаган Японияда инсоннинг интеллектуал салоҳиятидан омилкорлик билан фойдаланишга катта эътибор қаратилган.

«Япон модели»ни яхлит ҳолда тушуниб олиш ёки тушунтириб бериш мушкул. Бунинг учун японлардек фикрлаш, ҳеч бўлмаганда, япон урф-одатини, тарихини, маданиятини яхши билиш лозим.

**Ягона мақсад атрофида жипслашиш, бу йўлда, керак бўлса, жонни фидо қилиш япон халқининг ўзига хос ибратли жиҳати, дунёни ҳайратга солган «япон мўъжизаси»нинг сири шундадир.**

Японлар турмуш тарзини ўзаро ишончга асосланган жамият дейиш мумкин. Одамлар ўртасидаги ишонч юксак қадрият саналади. Япон тадбиркорлигида шериклар билан ҳамкорлик давомида кичик бир ишончсизлик туғдирилса кечирилмайди. *Зеро, ўзаро ишонч ва оқибатли муносабат ҳар қандай битим ва шартномадан юқори туради.*

Бу юртнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги турмушига назар ташласак, худди бизнинг илк мустақил давримизга ўхшаб кетади. Масалан, Япония барча соҳаларда янгилаш жараёнини олиб борди: минтақаларда бошқарув тизими, аграр соҳа, таълим тизимидаги ислоҳотлар, давлатнинг диндан тўлиқ ажралиши, бутун оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш шулар жумласидан.

Тараққиёт негизида олиб борилган ислоҳотлар **(сиёсий, иқтисодий, маданий, таълим соҳаларидаги)** япон миллатининг қадриятлари, диний ақидалари, маданий тарихи ва урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Япония иқтисодиёти **«Аввал жамғар, кейин сарф қил»** тамойилига таянади. Бунинг асосий сабаби — кекса ёшдаги аҳоли сонининг кўплиги ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш заруратидир. Бу эса жамиятда ижтимоий ҳимояда фақат давлатгагина суяниб қолишликни эмас, балки халқнинг ўз имкониятларига ҳам таянишидан далолат беради.

Кунчиқар мамлакатнинг қисқа муддатда ривожланган давлатлардан бирига айланишида юқорида тилга олинган омилларнинг аҳамияти катта. Зотан, Ўзбекистондаги бугунги сиёсат ҳам миллий қадриятларимизга таянган ҳолда олиб борилаётгани билан эътиборлидир. **Шу ўринда Президентимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясида *халқнинг маънавий, яъни ботиний покланиш, аҳолини ижтимоий таъминлаш масалаларини* устувор йўналиш сифатида яна бир бор таъкидлагани бежиз эмаслигини чуқур англаймиз.**

Мустақил Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳам менталитетимизга мос ва хослиги билан ажралиб туради. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида илк бор бозор муносабатларига жавоб берадиган, узоқ келажакни кўзлаб, пухта ўйланган мазкур дастур замирида катта маъно-мазмун ётибди. Шу ўринда биргина коллежлар тизимига тўхталиш жоиз. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида унинг келгусидаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тегишли ихтисослашувга йўналтирилган коллежлар барпо этилди. Қаранг, бир томондан, бозор муносабатлари талабига жавоб берадиган ёш интеллектуал авлодни вояга етказиш, иккинчидан, улар шу ҳудуд тараққиётига хизмат қилиши, ҳалол меҳнат билан ўз турмушини фаровон этиши, яъни ўзаро мутаносиб тараққиёт кўзда тутилган. **Зеро, илм олиш — билимли бўлиш эмас, балки ўша олинган билимни халқ манфаати йўлида ишлата билиш ҳамдир.**

Миллий дастур қанчалик ҳаётийлигини вақт кўрсатди. Шу боис бугунги кунда қўшни давлатлар ҳам ундан андоза олмоқда.

**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

*(Давоми бор.)*

---

Инсон хотираси азиз

## У яшади одамлар учун...

Уни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда ҳам яхши билишарди. Муҳиддин табиб қанчалаб инсонларнинг дардига дармон бўлди, одамлар дардига даво излаб ўзини аямади, кўплаб оилаларга шодлик, қувонч улашди. Машҳур табиб инсон сиҳат-саломатлигининг ҳақиқий посбони, чинакам жонкуяри эди...



Намангандаги «Шарқ табобати» маркази раҳбари Муҳиддин Умаров вафоти ҳақидаги совуқ хабар уни билган, уни таниган, у ҳақида эшитган ва ундан шифо топган инсонларни чуқур қайғуга солди.

Муҳиддин Умаров 1947 йил 4 апрелда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида туғилган эди. Андижон пахтачилик институтида ўқиди. Шу билан бирга, Шарқ табобати сирларини ўрганишга катта куч-ғайрат сарф этди. 1982-1985 йилларда Москвада академик Прохоров раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бориб, томирдан ташҳис қўйишни компьютер воситасида амалга оширишга муваффақ бўлди. У яратган томиргич (пульсограф) жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида синовдан ўтказилди, тан олинди. 1986 йилда «Оқ кема» халқаро экспедицияси таркибида бутун ер шарини айланиб чиқди, илмий тадқиқот ишларида қатнашди.

Муҳиддин Умаров беморларни томирдан ташҳис қўйиш орқали гиёҳлар ва бошқа табиий моддалар ёрдамида даволашни неча минг йиллик тажрибасини янгидан жорий қилувчи, замонавий тиббиёт ютуқлари билан уйғунлаштиришга интилувчи оз сонли табиблардан бири эди. У ташкил этган «Шарқ табобати» марказини дунёнинг кўплаб мамлакатларида яхши билишарди. У экология ва табиатдан фойдаланиш Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси, БМТ Халқаро ахборотлаштириш академияси ҳузуридаги Халқаро иқтисодиёт академияси профессори эди.

Умрини халқимиз саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилишдек шарафли юмушга бағишлаган Муҳиддин Умаров ўзидан кўплаб шогирдлар, ўнлаб илмий рисолалар, ёрқин хотиралар ва халқига хизмат қиладиган гўзал гўшалар қолдирди.

Унинг хотираси дўстлари, шогирдлари ва ундан шифо топган минглаб кишилар қалбида бир умрга сақланиб қолади. У ҳақида шу кунгача ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ёзилди. Энди эса кўплаб хотиралар битилади.

...Муҳиддин Умаровнинг меҳр қуёшидан қадди тикланганлар, ҳаётга қайтганлар, дардига дармон топганлар унинг азиз хотираси олдида бош эгишади. Таниқли табибнинг хайрли амалларини, ишларини эса унинг шогирдлари, фарзандлари давом эттиришига ишонамиз.

*Яхши зотлар Хизрдайин*
*камнамо бўлар,*
*Ярим аср, бир асрда*
*битта келади.*
*Ҳали ҳаёт эканида*
*ўзи ҳам ҳатто,*
*Билмай туриб ҳайкалини*
*қўйиб кетади.*

---

Иқтисодиёт

## «Тошкент — Денов» тезюрар поезди

### аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилаяпти

Сурхондарё вилоятида аҳолига замонавий транспорт хизмати кўрсатиш борасида кўпдан-кўп ўзгаришлар қилинмоқда. Ўтган йили «Тошкент — Термиз» йўналиши бўйича поездлар қатнови йўлга қўйилган эди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. «Тошкент — Денов» тезюрар поезди ҳаракати йўлга қўйилди. «Денов» темир йўл бекатида дастлабки йўловчиларни кутиб олиш тантанасида соҳа мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари ва меҳмонлар иштирок этишди.

— Поезддаги шарт-шароит, қулайликдан барчамиз миннатдормиз, — дейди йўловчи Бойназар Файзуллаев. — Шинам ва озода хоналар, ундаги замонавий технология ва телевизорлар йўловчини хушнуд этади.

— Сўнгги йилларда темир йўл соҳасидаги ислоҳотлар юксак босқичга кўтарилди, — суҳбатни давом этиради 166-йўл-машина станцияси темир йўл қуриш тизими машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП аъзоси Юсуп Зияев. — Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда яхлит темир йўл тизими яратилгани бунинг далилидир. Айни кунларда инфратузилмани такомиллаштириш, бунёдкорлик изчил давом этмоқда. Янги йўналишнинг фаолияти эса кўнгилларга қувонч бахш этди. Эндиликда 679-йўналиш бўйича поезд ойнинг жуфт кунлари Тошкентдан Деновга келади ва шу куни 680-йўналишда пойтахтга қайтади...

Дарҳақиқат, воҳанинг шимолий ҳудудлари — Шўрчи, Денов, Олтинсой, Сариосиё ва Узун туманларида бир миллион нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Янги қатновнинг йўлга қўйилиши улар учун айни муддаодир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

---

Халқ ризқига хиёнат

## Ҳалоллик ва тартиб бор жойда барака бўлади

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қатор солиқ имтиёзлари жорий этилган. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳам оиласини боқаётган, ҳам иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз, жумладан, ҳалол ва заҳматкаш деҳқонларимиз кўп. Бироқ инсофу диёнатни унутиб, ноқонуний даромад орттиришга уринаётганлар ҳам учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизматидан маълум қилишларича, солиқ хизмати органлари томонидан бундай ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, қўмитанинг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида изчил назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Бош бошқарманинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан пойтахтимиздаги деҳқон бозорларида савдо-сотиқ билан шуғулланаётган «Тошкент матлубот савдо» масъулияти чекланган жамиятга қарашли кўчма савдо тармоқларида ўтказилган қисқа муддатли текширувлар натижасида, уларда сотилаётган мева-сабзавотларнинг аксарияти истеъмол учун яроқсизлиги аниқланган.

Бундан ташқари, «Тошкент матлубот савдо» МЧЖ мансабдор шахслари томонидан савдо фаолияти турғун савдо тармоғи ҳамда назорат-касса машинаси бўлмаган ҳолда, кўчма савдо тармоғи (автомашина) орқали тегишли рухсатномасиз амалга ошириб келинган. Ушбу жамият томонидан тақдим этилган юк хатлари таҳлил қилинганда, 7 миллион 462 минг 850 сўм миқдоридаги маҳсулот савдо қоидалари бузилган ҳолда сотилгани аниқланган. Текширув вақтида истеъмол учун яроқсиз 3 миллион 361 минг 984 сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани Дўстлик маҳалласида яшовчи Норжамол Тиловова илгари ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, тегишли хулоса чиқармаган экан. Жорий йилнинг 23 январь куни тумандаги «Улгуржи жаҳон бозори» ҳудудида ўтказилган текширувда Н.Тиловова белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан «Сурхондарёдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятига қарашли тегирмон цехида ишлаб чиқарилган ҳар бир қопи давлат нархида 25 минг 102 сўм бўлган 119 қоп уннинг ҳар бирини 48 минг сўмдан сотаётганлиги аниқланган.

Н.Тиловովага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят иши дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилган.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг Фарғона вилояти бўлими ходимлари томонидан 2011 йил 18 январь куни Қўқон шаҳар «Мумтоз буюм бозори»да ўтказилган текширишда бозор назоратчиси К.Турсунов меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузган ҳолда, 56 нафар фуқародан 5 миллион 824 минг сўм, назоратчи А.Шокиров 5 нафар фуқародан 343,5 минг сўм, назоратчи А.Мамадалиев 16 нафар фуқародан 204,6 минг сўм нақд пулни чек ёки қатъий ҳисобда турувчи бир марталик патта бермаган ҳолда йиғиб олганлиги аниқланган.

Шунингдек, бозор маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари бузилиб, 2010 йил ноябрь ойида 109 нафар фуқародан шартномалар тузмасдан, ҳужжатларга асосланмаган ҳолда 11 миллион 759,6 минг сўм, декабрь ойида 110 фуқародан 10 миллион 442,1 минг сўм маблағ ундирилган.

Ҳозир мазкур ишлар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, қонунни четлаб пул топишга уринаётганларнинг кирдикори эртами-кечми барибир фош бўлади. Халқимиз азалдан савдо-сотиққа ёлғон аралаштирганни қоралаб келган. Халқ ризқига хиёнат гуноҳи азим, энг оғир жиноятлардан ҳисобланади. Зеро, ҳалоллик, тартиб ва интизом бўлган жойда барака бўлади.

**(ЎзА)**

---

Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Турапов Темурлан Саматович номига берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Нукус саховат коммунал сервис» МЧЖ (ОКПО-90110, ИНН-206805031) тугатилади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой ичида қабул қилинади.

***Телефон:*** 281-45-18, 720-69-65.

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

# Замонавий математика эраси Ўзбекистондан бошланади

Буюк цивилизациялар, илм-фан ривожи ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаган. Вақти-вақти билан тамаддунлар алмашинуви кузатилган. Тарози палласи гоҳ Шарқ, гоҳида Ғарб фойдасига тош босган.

XX асрга келиб Ўзбекистонда эҳтимоллар назарияси, математик статистика, операторлар алгебраси, функционал анализ ва топология соҳаларида халқаро доираларда тан олинган илмий мактаблар шаклланди. Қори-Ниёзий, Саъди Сирожиддинов, Тошмуҳаммад Саримсоқов... сингари математика фани дарғалари илмий изланишлари бутун дунёда эътироф этилди. Бу эса уларнинг кўплаб издошлари, давомчилари етишиб чиқишига замин яратди.

***Шуҳрат ИСМОИЛОВ 1972 йилда Ангренда туғилган. 1995 йилда Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетини тамомлаган. 2001 йилда математиканинг долзарб йўналишларидан бири дифференциал тенгламалар бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Физика-математика фанлари номзоди, доцент, илмий даражаси ва унвонига сазовор бўлди. Ёш олим ўз кузатишларини Хитой, Россия, Туркия мамлакатларида ўтказилган конференция ва конгрессларда инглиз тилида баён этди. Айни вақтда у Тошкент вилоят давлат педагогика институти математика ва физика факультети декани лавозимида фаолият кўрсатмоқда.***



Шуҳратнинг ота-онаси — Норали Исмоилов ва Ойша Эшончаева мактабда математика ўқитувчилари бўлгани учун бу оилада мўъжазгина кутубхона бор эди. Математика фанига оид масалалар, уларнинг ечими биргаликда муҳокама қилинарди. Ота-она — ҳар иккала математик ҳам агар Шуҳрат бирор жойда хато қилса, эринмасдан тушунтиришарди.

Шуҳрат Ангрендаги 22-мактабда таҳсил олган йилларда бир неча бор республика олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, юқори ўринларни эгаллади. 1990 йилда ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди. Бу ерда у математика фани дарғалари, академиклар Шавкат Алимов, Маҳмуд Салоҳиддинов, профессорлар Бозорбой Исломов, Гулмирза Худойберганов, Абдуғаффор Фозиловлар қўлида таҳсил олди. 28 ёшида профессор Бадриддин Рихсиев илмий раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ёш олимнинг ушбу илмий тадқиқоти Москва, Шанхай, Владимир давлат университетлари ҳамда Стеклов номидаги математика институти олимлари томонидан юқори баҳоланди.

Мазкур тадқиқотда дифференциал тенгламалар назарияси XVII аср охирларида дифференциал ва интеграл ҳисобнинг пайдо бўлиши билан ривожлана бошлагани, дифференциал тенгламалар математикада жуда катта аҳамиятга эга эканлиги, физика, механика, иқтисодиёт, техника ва бошқа кўплаб илмий соҳаларнинг турли масалаларини текшириш айнан дифференциал тенгламаларни ечиш орқали ҳал этилиши очиб берилган. Эътиборга сазовор томони шундаки, Шуҳрат Исмоилов дунёда биринчи бўлиб ушбу йўналишнинг ***«омон қолиш масаласи»*** бўйича оптимал бошқарувнинг мавжудлигини исботлади.

1997 йилда мустақилликка эришганига эндигина 6 йил бўлган Ватанимизнинг истеъдодли фарзандлари учун жаҳонга чиқиш имконияти пайдо бўлди. Улар мактаб ўқувчиларининг ўша йили Аргентинада бўлиб ўтган анъанавий халқаро математика олимпиадасида илк бор иштирок этишди. 1998 йилга келиб, ушбу масъулиятли вазифа ЎзРФА математика институти аспиранти Шуҳрат Исмоилов зиммасига юклатилди. Бу бежиз эмас эди, албатта. **Зеро, у Ангрен шаҳар техника коллежида ўқитувчилик қилган вақтда ўқувчиси Фаррух Қорабоевни Туркиянинг Измир шаҳрида ўтказилган Халқаро математика лойиҳалари мусобақасига тайёрлаган ва унинг бу танловда олтин медаль олишига ўз ҳиссасини қўшганди. Кейинроқ, унинг яна бир ўқувчиси Руслан Шарипов ҳам Алматида ташкил этилган ёш математиклар баҳсида ғолиб бўлди.**

Халқаро олимпиада талаблари бўйича етарли тажрибага эга бўлган Шуҳрат Исмоилов унда иштирок этадиган ўқувчилар учун махсус тайёргарлик режаларини ишлаб чиқди. Буюк ипак йўли масофавий олимпиадаси юзасидан, «Mathematical Reflections» (АҚШ), «Crux Mathematicorum with Myham» (Канада), «Квант» (Россия), «Математика, физика ва информатика» (Ўзбекистон) каби интернет журналларда эълон қилинадиган ностандарт масалаларни ечиш йўлларини жамоа аъзоларига ўргатади, тушунтиради.

Биргина ***2010 йилда у раҳбарлигидаги жамоа 4 та кумуш ва 1 та бронза медалини, шунингдек, 1 та рағбатлантирувчи дипломни қўлга киритди. Ўзбекистон эса умумжамоа ҳисобида 26 ўринни банд этди. Атиги 11 маротаба иштирок этган жамоа учун бу жуда катта кўрсаткич ҳисобланади.***

Шундан бўлса керак, Шуҳрат Исмоилов ***2003 йилда мактаб ўқувчилари ўртасидаги Халқаро математика олимпиадаси ҳамда математика, физика ва информатика фанларидан Халқаро Жаутиков олимпиадасининг ҳакамлар ҳайъати аъзолигига сайланди. Руминия математика жамияти Шуҳрат Исмоиловнинг фан ривожига қўшган ҳиссасини эътироф этиб, унга олтин медаль ва махсус диплом тақдим этди.***

— Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни нуфузли мусобақаларга, хусусан, Халқаро математика олимпиадасига танлаб олиш, уларни бўлажак интеллектуал баҳсларга пухта тайёрлаш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, — дейди Шуҳрат Исмоилов. — 2007 йилгача олимпиада медаллари асосан Қоракўл туманидаги ихтисослаштирилган лицей-интернат ўқувчилари томонидан қўлга киритилган бўлса, кейинги йилларда Самарқанд, Наманган, Қашқадарё ва Навоий вилояти ўқувчилари ҳам муносиб иштирок этиб юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ангрен. Шуҳрат Исмоилов хонадони. Ойша опа эндигина уч ёшга кирган невараси Ҳулкарга содда математикадан сабоқ бермоқда. Очиғи, қизалоқнинг айириш қўшиш ҳаракатларини жажжи бармоқларида бехато такрорлаётгани кишини ҳайратга солади.

2011 йил. Июль. Нидерландия пойтахти Амстердам шаҳрида мактаб ўқувчиларининг навбатдаги 52-Халқаро математика олимпиадаси ўтказилади. Унга Ватанимиз, Ўзбекистонимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга бел боғлаган аҳил жамоа пухта тайёргарлик кўрмоқда. Бу гал ютуқларимиз янада кўпаяди, дейишга асос етарли.

Мухтасар айтганда, замонавий математика эраси ЎЗБЕКИСТОНдан бошланади.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Муносабат

## Имтиёз имконият демакдир

Мулкдорларнинг ўрта синфи вакилиман. Кўп тармоқли кичик корхонада 52 нафар ҳамкишлоғим ишлаяпти. Блокли ғишт ишлаб чиқариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйганмиз.

Ўз бизнесимни ташкил этиб, янги иш ўринлари яратганимдан, ички бозорни сифатли маҳсулот билан тўлдиришга, ўз даромадимизни кўпайтиришга, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарор кўпчилик қатори мени ҳам руҳлантириб юборди. Қарорда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ҳудудларда қулай муҳит яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Қарорни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Бир неча йилдан буён ўз бизнесини юритаётган, соҳада озми-кўпми тажрибага эга бўлган хусусий тадбиркор сифатида мени бу муҳим ҳужжат, унда кичик корхоналар ташкил этиш, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, кредит бериш механизмларини такомиллаштириш ва ҳажмини кўпайтириш, солиқлар ва бошқа тўловларда қўшимча имтиёзлар кўзда тутилгани беҳад мамнун этди. Биз ҳозирга қадар, очиғи, айнан шу масалаларда айрим мураккабликлар, сунъий тўсиқ ва ғовларга дуч келаётганимиз сир эмас эди.

Қарорда биз каби мулкдорларнинг ўрта синфи вакилларига яна бошқа қулайлик ва шарт-шароитлар, имтиёзлар яратиб берилган. Бу имтиёзлар биз учун қўшимча имкониятлар яратиб қолмай, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди, албатта. Энг муҳими, бу ғамхўрлик соҳада янги даврни бошлаб беради, мамлакатимиз ҳаётида янги саҳифа очади. Ҳар биримизнинг дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон бўлишига хизмат қилади.

**Рустам ҚОДИРОВ,**
**Сирдарё туманидаги «Рустам» кўп тармоқли хусусий корхона раҳбари, ЎзХДП фаоли.**

ОБ-ҲАВО 19-20.02. 2011

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 3°C | 5°C |
| Самарқанд | 0°C | 5°C |
| Нукус | -7°C | -12°C |
| Қарши | 3°C | 8°C |
| Урганч | -7°C | -12°C |
| Навоий | 0°C | 5°C |
| Фарғона | 0°C | 5°C |
| Бухоро | 0°C | 5°C |
| Андижон | 0°C | 5°C |
| Наманган | 0°C | 5°C |
| Термиз | 3°C | 8°C |
| Жиззах | 0°C | 5°C |
| Гулистон | 0°C | 5°C |
| Тошкент вил. | 0°C | 5°C |
| Лондон | 5°C | 3°C |
| Париж | 4°C | 2°C |
| Москва | -24°C | -25°C |
| Мадрид | 3°C | 5°C |
| Пекин | -6°C | -3°C |
| Гонгконг | 14°C | 15°C |
| Рим | 7°C | 6°C |
| Анқара | -3°C | 2°C |
| Токио | 5°C | 4°C |
| Стокгольм | -11°C | -9°C |
| Кейптаун | 17°C | 20°C |
| Қоҳира | 9°C | 7°C |
| Гавана | 17°C | 15°C |
| Вашингтон | 4°C | 5°C |

Спорт



## Гимнастикачимизнинг ғалабаси

Самара (Россия) шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган йирик халқаро турнир иқтидорли спортчимиз Ульяна Трофимова учун муваффақиятли якунланди.

Маҳорати тобора ортиб бораётган ҳамюртимиз мусобақада лента билан машқ бажаришда энг кўп очко жамғариб, олтин медаль билан тақдирланди.

Яна бир эътиборли жиҳати, кўпкураш баҳсларида дунёнинг таниқли гимнастикачиси, россиялик Дарья Кондакована ортда қолдирган Ульяна Трофимова шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

## «Сўғдиёна» — кубок соҳиби

Ҳар йили янги мавсум арафасида мамлакатимиз жамоалари ўртасида Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси кубоги учун баҳслар бўлиб ўтади.

Тошкент ва Янгиер шаҳарларида ташкил этилган бу йилги мусобақада олий, биринчи ва иккинчи лига жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Салкам икки ҳафта давом этган учрашувлар якунида қисқа танаффусдан сўнг яна кучлилар қаторига қўшилган Жиззахнинг «Сўғдиёна» ва биринчи лига вакили Тошкентнинг «Локомотив» жамоалари финалга йўлланма олишди. Ҳал қилувчи баҳснинг асосий ва қўшимча вақтларида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Натижада ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланди. Унда омад жиззахликларга кулиб боқди — 4:3.

Баркамол авлод орзуси

# Комиллик сари элтувчи маскан

Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицейи бундан 13 йил олдин Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан ташкил этилган.



Ҳозир бу таълим масканида 2099 нафар ўқувчига 162 нафар ўқитувчи-мураббий тўрт йўналиш — аниқ ва табиий, хорижий филология ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлари бўйича таълим-тарбия бериб келмоқда. Барча аудиториялар замон талабларига мос равишда жиҳозланган бўлиб, машғулотлар чуқурлаштирилган ўқув режа ва дастурлар асосида олиб борилмоқда.

Уч қаватдан иборат академик лицейда жами 67 та ўқув хонаси, 200 ўринли кутубхона ҳамда ўқувчиларни спорт билан шуғулланишлари учун иккита ёпиқ спорт ҳамда тренажёр заллари, иккита очиқ теннис корти ва ёпиқ бассейнлар мавжуд. Улар ўқувчилар ихтиёрида. Шунингдек, физика, кимё, биология ва астраномия лабораториялари, лингафон ҳамда мультимедиа хоналари бўлиб, улар ҳам энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

— Таълим муассасамизда барча фанлар давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилиб, ўқувчиларга шу йўналишда билим бериб келинмоқда, — дейди лицей директори Муҳиддин Абдураҳмонов. — Уларга таҳсил бераётган ўқитувчилар ҳам ўз тажрибаларини янада ошириши, фанларни ўқитиш жараёнига янгича ёндашиши учун малакасини оширишга юборилмоқда. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари, ўзи ёқтирган фанларга қизиқиши ва интилишларини вақтида ривожлантириб боришга ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўқитиш жараёнида сифат ва самарадорликни янада ошириш мақсадида шаҳардаги 7 та олий ўқув юрти, Республика Фанлар академияси Самарқанд бўлими, учта илмий текшириш институти билан бир қаторда Гёте институтининг Тошкетдаги филиали ўқитувчи-олимлари жалб қилиниб, улар ҳамкорлигида турли мавзуларда илмий маърузалар тингланиб, ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашиш йўлга қўйилган.

Ушбу таълим масканида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш гуруҳи» ўқувчиларнинг ўзлари ёқтирган фанлар бўйича мукаммал билим олишларини таъминлаш, ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадаларига уларни тайёрлаш билан шуғулланади. Бунинг натижасида таълим даргоҳининг ўқувчилари фан олимпиадаларининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. 2010 йилда она тили ва адабиёт фанидан ўтказилган республика олимпиадасида Ситора Шомуродова, инглиз тили бўйича Зарнигор Ҳожимуҳаммедова, рус тили гуруҳларида ўзбек тили фанидан Нафиса Аролова биринчи ўринга сазовар бўлишди.

Бундан ташқари, ўқув масканида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида бир қанча фан ва спорт тўгараклари ташкил этилган. Лицей спортчилари турли мусобақаларда фаол иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олмоқда. Стол тенниси бўйича Ҳамроз Эшонқулов ўтган йили «Баркамол авлод» спорт мусобақаси вилоят босқичида ғолиб бўлган эди. Шаҳар босқичида эса шоҳмот ва стол тенниси мусобақаларида таълим маскани жамоаси биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Шунингдек, лицейнинг яна бир ўқувчиси Баҳодир Ёдгоров 1993-1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида «Муай-тай» бўйича республика чемпионатида фахрли 3-ўринни эгаллаган.

Дилбар Маҳматқулова, Илҳом Хожиев, Иноятулла Сувонқулов, Эргаш Абдураҳмонов, Келдиёр Жўраев каби ўқитувчиларнинг фидойилиги туфайли лицей битирувчиларининг деярли барчаси мамлакатимизнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, бу масканни, меҳрибон ўқитувчиларини миннатдор бўлиб эслашади. Устозлар эса бундай истеъдодли шогирдлари билан фахрланишади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 249
20013 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 23.30
Topshirilgan vaqti — 01.00
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5